

Muslim R. ATAYEV,

Doctoral Student of the

International Islamic Academy of Uzbekistan,

Candidate of Historical Sciences

A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan

E-mail: Sulaymon200774@yandex.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-4/12

УСТРУШАНА – МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ МАРКАЗЛАРДАН БИРИ

USTRUSHANA: ONE OF THE TRADE AND ECONOMIC CENTERS OF CENTRAL ASIA

УСТРУШАНА – ОДИН ИЗ ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЦЕНТРОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

КИРИШ

Бронза давридан бошлаб Марказий Осиёда ихтисослашган йўллар шакллана бошлаган. Уларнинг пайдо бўлишига қабилалар, халқлар ва давлатлараро алоқалар тақозо этган иқтисодий, сиёсий ва маданий эҳтиёжлар сабаб бўлган. Жумладан, Ўрта ва Яқин Шарқда Бадахшоннинг лаъл (ложувард)ига бўлган эҳтиёж «ложувард йўли»нинг вужудга келишига олиб келган. Ғарбий Сибир (Олтой)дан бошланган «олтин йўли» Марказий Осиё ҳудудидан ўтиб, Ўртаер денгизигача етиб борган. Милоддан аввалги VI-IV асрларда эски йўллар асосида Аҳамонийлар Эрониди «шоҳ йўли» таркиб топган. Қадимги йўллар савдони ривожлантириш ва алоқа хизмати йўлга қўйиш учун зарур бўлган.

Марказий Осиё ҳудудида шаклланган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик савдо йўллари Шарқ ва Ғарб ўртасидаги боғловчи халқа сифатида уларда яшаган халқлар ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Улар Ипак йўлининг пойдевори вазифасини ўтаган. Мил. авв. III–II минг йилликлардан фаолиятини бошлаган бу йўлни мил. авв. 138 йилда Чжан Цзян Хитой учун кашф этди (Ртвеладзе Э.В., 1999:12-21). Мазкур йўл тармоқлари минтақадаги турли этнослар ўртасидаги алоқаларни ривожлантирди.

Мил.авв. IV–III асрларда шаклланган «дашт йўли» орқали суғдийлар Хитой билан туташ ҳудудларгача етиб бордилар (Henning W.B., 1948:608). Натижада, Амударёдан Гансудаги Хэси йўлагига қадар Ипак йўлининг «турк-суғд» йўналиши вужудга келди. XIX асрдан бошлаб «Ипак йўли» номи остида илмий адабиётдан ўрин олган оламшумул аҳамиятли савдо-иқтисодий ва илмий-маданий мулоқотлар йўли мазкур омиллар таъсирида шаклланган.

Кейинчалик «Буюк ипак йўли», деб атала бошлаган мазкур карвон йўли Уструшана иқтисодиёти ва маданияти, жумладан, хўжалик юритиш маданиятига ижобий таъсир кўрсатган. Тошкент воҳасидан Зомин ва Жиззах орқали ўтган савдо йўли Суғдиёна пойтахти Афросиёб (Самарқанд)га олиб келган. Энг серкатнов карвон йўли Бағдод – Табриз – Кошон – Марв – Чоржуй – Бухоро – Самарқанд – Харақана – Дизак йўналиши бўлиб, Дизакдан сўнг йўл иккига, ҳатто учга бўлиниб кетган. Иккала ҳолатда ҳам у Евросиё даштлари орқали Хитой ва Узоқ Шарқ мамлакатларига олиб борадиган йўлларни араб ва ажам мамлакатлари билан боғлаган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Уструшана ўтроқ ва кўчманчи минтақалар ўртасидаги «туташув макони» бўлиб, қадимдан Суғд ва Чоч таъсиридаги бу ўлкадан ўтган савдо йўллари чўл минтақаси ва Сирдарё бўйларини Зарафшон воҳаси – Суғд ва жануб – Тоҳаристон билан боғлаб турган (Негматов Н., 1953:37). Уструшана Чоч, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Гансудаги манзилгоҳлар савдо ва хунармандчилик марказлари сифатида бу ўлкаларнинг ижтимоий-маданий ва диний-мафкуравий ҳаётига ҳам таъсир ўтказди (Кляшторный С.Г., 1972:258). Уструшананинг жанубий-ғарбий ва қўшни маданий ўлкалар билан алоқалари турк-суғд муносабатларининг муҳим қисмига айланган. Уструшананинг минтақавий ва ташқи алоқаларида Суғд айниқса муҳим ўрин тутган.

Суғд ва Уструшананинг Буюк ипак йўли доирасидаги алоқалари антик даврларга бориб тақалади (Пардаев М., Ғофуров Ж., 2021:8-15). Тадқиқотчи А.Отахўжаев Суғд ва Уструшанадаги сиёсий, иқтисодий ва этномаданий жиҳатларни ёритар экан, бу масалада Суғд ва Уструшанада

Annotatsiya. Марказий Осиё ҳудудиди бронза давридан бошлаб, минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга йўллар шаклланади. Бу йўлларнинг пайдо бўлишига, асосан, турли халқлар, қабилалар ва давлатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий эҳтиёжлар сабаб бўлган. Шунингдек, Ўрта ва Яқин Шарқдаги Бадахшоннинг лаъл (лозҳивард)ига бўлган эҳтиёж «лозҳивард йўли»нинг мавжуд бўлишига олиб келган. Милoddан аввалги VI-IV асрларда, эски йўллар асосида, Аҳамонийлар империяси томонидан ташиқил этилган “шоҳ йўли” ҳам мавжуд бўлган. Бу даврда йўллар савдони ривожлантириши, алоқаларни йўлга қўйиши ва турли маданиятларни бирлаштириши учун муҳим аҳамият касб этган.

Марказий Осиёдаги савдо йўллари, жумладан, Инак йўли, Шарқу Фарбни боғловчи ўрта ҳалқа бўлиб, улар орқали турли халқлар ўртасида маданий, илмий ва иқтисодий алоқалар амалга оширилган. Шунингдек, Уструшана ҳудуди, Бухоро, Самарқанд, ва бошқа марказларда қадимдан савдо ва ҳунармандчилик марказлари сифатида ўзининг аҳамиятини кўрсатган.

Хусусан, Уструшана, Сугд ва бошқа қўшни ҳудудлар билан алоқалар давомида ўзининг маданий ва иқтисодий ўзгаришларини амалга оширган. Японияга қараб йўл олиб борадиган савдо алоқалари ва хитой маданиятининг таъсири эса, ўз навбатида, Уструшана ва Марказий Осиёнинг маданий тарихида алоҳида ўрин тутган.

Уструшана ҳунармандчилиги кўп тармоқли бўлиб, у ерда темир, жез ва қимматбаҳо металлларга ишлов бериши марказлари бўлганлиги ва у ерда ясалган деҳқончилик, ҳунармандчилик ва ҳарбий қуроллар, жез ва мисдан ясалган идиш-товоқлар, уй-рўзгор буюмлари, турли тақинчоқлар кенг муомалада бўлганлиги баён этилган.

Kalit so‘zlar: Марказий Осиё, Инак йўли, Уструшана, Сугд, Хитой, савдо йўллари, маданият алмашинуви, тарихий алоқалар, иқтисодий алоқалар, археологик манбалар.

Abstract. In the territory of Central Asia, starting from the Bronze Age, regional and international routes of significant importance began to form. The emergence of these routes was primarily driven by the economic, political, and cultural needs of various peoples, tribes, and states. Additionally, the demand for the lapis lazuli (lazurite) from Badakhshan in the Middle East and Near East led to the existence of the «Lazurite Route». During the 6th-4th centuries BC, based on older routes, the «Royal Road» was established by the Achaemenid Empire. During this period, these routes played a crucial role in developing trade, establishing connections, and uniting diverse cultures.

The trade routes in Central Asia, including the Silk Road, served as a central link connecting the East and the West, facilitating cultural, scientific, and economic exchanges among various peoples. Moreover, regions such as Ustrushana, Bukhara, Samarkand, and other centers demonstrated their significance as ancient hubs of trade and craftsmanship.

In particular, Ustrushana underwent cultural and economic transformations through its interactions with neighboring regions such as Sogdiana. Trade relations extending toward Japan and the influence of Chinese culture, in turn, held a special place in the cultural history of Ustrushana and Central Asia.

The craftsmanship of Ustrushana was highly diversified, with centers for processing iron, copper, and precious metals. Agricultural tools, artisanal products, military weapons, copper and bronze utensils, household items, and various ornaments produced in the region were widely circulated.

Keywords: Central Asia, Silk Road, Ustrushana, Sogdiana, China, trade routes, cultural exchange, historical connections, economic relations, archaeological sources.

Аннотация. С момента бронзового века на территории Центральной Азии начали формироваться дороги регионального и международного значения. Причинами появления этих дорог стали в основном экономические, политические и культурные потребности различных народов, племен и государств. Кроме того, спрос на лазурит из Бадахшана в Среднем и Ближнем Востоке привёл к существованию так называемого «лазуритового пути». На основе древних дорог в VI–IV веках до нашей эры существовал «царский путь», организованный империей Ахеменидов. В этот период дороги играли важную роль в развитии торговли, налаживании связей и объединении различных культур. Торговые пути Центральной Азии, в том числе Великий шелковый путь, являлись средним звеном, связывающим Восток и Запад. Через них осуществлялись культурные, научные и экономические связи между различными народами. Кроме того, регион Уструшана, Бухара, Самарканд и другие центры издавна выступали в качестве торгово-ремесленных узлов.

В частности, в ходе взаимодействия с соседними регионами, такими как Уструшана и Согд, происходили культурные и экономические преобразования. Торговые связи, ведущие в сторону Японии, и влияние китайской культуры, в свою очередь, заняли особое место в культурной истории Уструшаны и Центральной Азии.

Ремёсла Уструшаны были многопрофильными: здесь существовали центры обработки железа, меди и драгоценных металлов. Изготовленные в регионе сельскохозяйственные, ремесленные и военные орудия, а также медные и бронзовые сосуды, предметы быта и разнообразные украшения находили широкое распространение.

Ключевые слова: Центральная Азия, Шёлковый путь, Уструшана, Согд, Китай, торговые пути, культурный обмен, исторические связи, экономические связи, археологические источники.

кечган жараёнларга ҳам тўхталган (Отахўжаев А., 2010:7). Суғдшунос Б.Ғойилов тадқиқотларида ҳам иккала ҳудуд савдо-сотик алоқалари тўғрисида сўз юритилиб, Суғд ҳукмдори Ғуракнинг Уструшана билан қариндошлиги ва Панж ҳукмдорларининг Уструшана афшинларига алоқадорлигини урғулаган (Ғойилов Б., 2015:169).

Уструшана ва Шарқ савдо алоқаларида Даван (Фарғона) ва ундан ўтган транзит йўлларнинг ўрни бекиёс бўлган. Фарғона водийсидан ўтган савдо йўллари Уструшананинг минтақавий ва ташқи алоқаларидаги муҳим тармоқ сифатида шаклланиб, бу йўналишда уструшаналиклар Чоч билан бир вақтда мил. авв. IV-III асрлардан ҳаракатлана бошлаганлар (Заднепровский Ю.А., 1997:79-82).

Уструшана – Чоч алоқалари минтақадаги савдо-сотик муносабатларида ўзига хос ўрин тутган. Чирчиқ ва Оҳангарон ҳавзаларидаги деҳқончилик ва кўчманчи чорвадорларнинг ҳудудлари кесишган минтақада жойлашган Чоч Буюк ипак йўлининг шимоли-шарқий йўналишидаги стратегик аҳамиятли нуқталардан бири бўлган (Мавлонов Ў., нашр йили кўрсатилмаган: 136). Тадқиқотчи Ю.Буряковнинг фикрича, Суғдни Чоч-Илоқ воҳаси билан боғлайдиган иккинчи йўл узок бўлсада, хавфсиз ва серқатнов бўлган. Ёзма манбаларда «Банокат йўли» деб номланган бу йўл Суғддан Уструшана орқали Жиззах-Зомин-Ховос йўналиши бўйича кетган бўлиб, Ховосда жанубга бурилиб, Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қўйиладиган жойдан юқориқдаги кечувга чиқарди. Бу ердан Харашкат-Худайкат-Оҳангарон кечуви Чирчиқ водийси – Эски Тошкент орқали Чинакат-Бинкат йўлига қўшилган (Буряков Ю.Ф., 1972). Уструшанадан чиққан қарвонлар Чочдан ўтиб, Еттисув томон йўл олган.

Уструшананинг минтақалараро алоқаларида туркий қавмлар зич яшаган тарихий-маданий ўлка Еттисув алоҳида ўрин тутган. Зеро, Турк хоқонлигининг қарор топиши ўлкалараро савдо-сотик алоқаларига катта имконият яратган.

Мил. авв. II аср сўнгги чорагидан, яъни Буюк ипак йўли тармоқларининг шаклланишидан бошлаб, Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги маданий алоқалар бошланди. Археологик материалларда Уструшананинг моддий ва маънавий ривожланишида Хитой таъсири кузатилади. Хитойдан Ғарбга қараб биринчи қарвон

милоддан аввалги 114 йилда хитойлик сайёх Чжан Цзян очган йўлдан ўтган. Кейинчалик ҳар йили 10-12та йирик қарвон юборилиб турган. Уструшаналиклар мил. авв. V–IV асрлардан бошлаб савдо йўллари орқали Шарқий Туркистон воҳаларига кириб борган. Мил. авв. III асрдан эса, Хитой билан савдо муносабатлари ўрнатилган (Чугуевский Л.И., 1971:147). Шунингдек, яна бир сайёх Хой Чао (107/726 йил) эсдаликлари ва бошқа хитойча манба «Тан шу»га кўра, Судуйшана (Suo-tuai-sa-na) (Малявкин А.Г., 1989:83)дан Ши (Тошкент) ва Кан (Самарқанд) гача бўлган масофа бир хил бўлиб, Тухоло (Тохаристон)гача узокроқ ҳисоблангани, милодий 618-626 йиллари Судуйшананинг ёш ҳукмдори Кан (Самарқанд) билан биргаликда Хитойга элчилар юборган бўлса, милодий 627 йили Уструшана Бухоро, Самарқанд ва Иштихон билан бирлашган қарвонини Хитой юборгани ҳам Уструшананинг қадимий маданий масканлардан бўлганини кўрсатади.

Тарихчи Бан-Гунинг «Сян хан шу» («Хан катта хонадони тарихи») йилномасида келтирилган 630 йили Туронда бўлган хитойлик сайёх Сюань-Цзяннинг «...Дай-йе (605-617) ҳукмронлиги даврида Уструшананинг ёш ташаббускор ҳукмдори Самарқанд ихшидининг элчилари билан ўз элчисини Хитойга юборади» деган хабар ҳам Уструшана ўз даврининг муҳим сиёсий-маданий марказларидан бўлганига ишора қилади. Ҳатто, Хитойда ҳокимият тепасига Тан сулоласи (618-907) келгандан сўнг Уструшана ҳукмдори 618-626 йиллари Хитой императори Гао Цзу хузурига ўз элчиларини юборади ва ўзининг ҳарбий ёрдамини таклиф қилгани, император эса бундан қувониб, элчиларни сийлагани тилга олинади».

Баён этилган фактлар Уструшана халқаро товар айирбошлашда муҳим рол ўйнаганини кўрсатади. Буюк ипак йўли тармоқлари ушбу замин орқали ўтганининг исботларидан бири мазкур ҳудуддан топилган чет эл тангаларидир. Хитой маданиятига оид моддий топилмаларнинг кўплиги, юқорида айтилганидек, Хитойнинг Уструшанага таъсири ошиб борганини кўрсатади. Уструшана ҳудудида хитой импортига оид топилмаларнинг умумий ҳажми юқорида тилга олинган буюмлар билан чекланмайди. Хитойликлар Марказий Осиё, жумладан, Уструшана аҳолисини лакланган буюмлар, маросимий соябонлар, зеб-зийнатларнинг айрим турлари,

кўзгулар, безакли кумуш ва сопол буюмлар ва бошқа санъат асарлари билан таништиришда муҳим рол ўйнаган. Уструшана худудидаги Мунчоктепа шахристонида олиб борилган казишмалар давомида чет элда ишланган кўплаб ашёлар топилган. Каури чиғаноклари, қахрабодан ясалган мунчоқлар, бронза хитой кўзгуси, хитой тангалари, бир томонида хитойча «олтин ва қимматбаҳо тошлар» ёзуви ва рақамлар ёзилган ва иккинчи томонида соқолли кишининг схематик кўринишдаги тасвири бор ясси тош ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хитойча элементларнинг пайдо бўлиши билан Марказий Осиёнинг деярли барча худудлари, жумладан, Уструшанада кўзгуларнинг янги турлари, синокхарошти тангалар, хитойча намуна ва технологияларга таяниб зарб қилинган маҳаллий тангалар, уй-рўзгор буюмларининг айрим турлари (чинни идишлар, бронза қозонлар, метал игна-тугмалар, қулоқ тозалагичлар) халқнинг турмуш тарзига сингиб кетди (Жуковский В.А., 1894:7). VIII асрдан кейин Хитой Буюк ипак йўлининг ғарбий тармоғида ўз назоратини йўқотгани туфайли, Марказий Осиё моддий ва маънавий маданиятига Хитойнинг таъсири вақти-вақти билан, яъни спорадик тарзда давом этгани кузатилади (Абдураимов Д., 2022:43-46).

Уструшана Буюк ипак йўли кесишган чорраҳада жойлашган бўлиб, унинг Ховас шаҳобчаси Хитой ва Корея орқали Япониягача етиб борган. Мазкур йўналиш бўйлаб биринчи минг йиллик ўрталаридан бошлаб Фа-сян, Сюан Цзан, Хой Чао ва У Кун каби буддавийлик дини роҳиблари Марказий Осиё орқали Ҳиндистонгача етиб борган эди (Александрова Н.В., 2008:366). Масалан, Ўрта асрлардаги Япониянинг пойтахти бўлмиш Нара шаҳрида Хорюдзи ибодатхонасида сақланган суғд тилли ёзув суғдийлар ва уструшаналикларнинг Тинч океанидаги ороларда ҳам савдо-сотик ишлари билан бўлгани, Уструшананинг Кунчиқар ўлка билан маданий ҳамда иқтисодий алоқаларининг қадимийлигини кўрсатади (Кобзева О., Ваисова Н., 2023:44). Япон императорларининг хазинасида энг қимматбаҳо буюм сифатида сақланадиган, келиб чиқишига кўра Марказий Осиёга мансуб мусиқа асбоби – уд ҳам бунинг исботидир. Ушбу мусиқа асбобининг устки қисмида иккита мусиқачининг зиёфати тасвирланган. Мусиқашунос олимларнинг фикрига кўра, уларнинг биттаси кўлида қўбиз

чолғуси бор (Этнический атлас, 2002:262). Тахмин қилинишича, қўбиз Марказий Осиёдан Японияга сомонийлар даврида IX-X асрлардан қимматбаҳо тортиқ сифатида олиб борилган (Джуманиязова Ф., 2020:3).

XIII асрда яшаган фақиҳ Маждуддин ал-Уструшанийнинг «ал-Асъила ва-л-ажвиба» асарида Уструшанада «секи» номли маст қилувчи ичимлик истеъмол қилингани ҳақида хабар берилади. Бу японларнинг «саке» деб номланадиган ичимлигига алоқадорми, деган савол келиб чиқади. «Саке» япон тилининг изоҳли луғати ҳамда «Сакэ и японская культура» журналида маст қилувчи ичимлик экани ва унинг Японияга XIII асрда кириб келгани ҳақида маълумотлар берилган (Тадо А., 1972:851). Лекин, бу сўзининг этимологияси изоҳсиз қолдирилган.

Уструшанийнинг мазкур ичимлик ҳақидаги фатвоси форс тилида бўлиб, ундаги «секи» сўзи форс лексикологиясига тўғри келяпти. «Секи» форс тилининг шероз лаҳжасида «бода» сўзи каби шароб маъносини англатади. Бу сўз араб тилидаги мусаллас (مثلث) сўзига тўғри келади. Яъни, олти қисмидан тўрт қисми йўқолгунча қайнатилиб, икки қисми қолади. Бу икки қисм олти қисмнинг учдан бирини ташкил қилади. Яъни, форс тилидаги «се» ва «йаки» (уч ва бир) сўзи бирлашмасидан «секи» сўзи ҳосил бўлади (Муҳаммад Амин, 1381:587). Тадқиқот давомида мазкур маст қилувчи ичимликнинг асл ватани Уструшана бўлган, деган фараз туғилди. Бу фикрни қувватловчи далиллардан бири сифатида А.Бердимуродовнинг «Уструшанада VII-VIII асрларда фаолият юргизган Қинғиртепа қалъаси яқинида виночиликка ихтисослашган битта устахона тўлиқ қазиб олинди», деган хабарини келтириш мумкин. Шунингдек, муаллифи номаълум бўлган «Худуд ал-олам мин ал-машрик ила-л-мағриб» «حدود العالم من المشرق إلى المغرب» («Шарқдан ғарбгача дунёнинг чегаралари») номли асарда ҳам Уструшанада кўп миқдорда шароб тайёрланиши ҳақида хабар берилади.

Нумизматик маълумотлар араб фатҳи даврида буддавийлар маҳаллий аҳоли ва мансабдор шахслар орасида маълум рол ўйнаганидан далолат беради. Айрим тангаларда буддавий этимологияли номлар учрайди. Жумладан, Уструшана сўзи ҳиндуийликдаги тушунчалардан бири – Сударшанани (Вишну аватарларидан бири) эслатади. Агар, Ҳиндистон билан яқин алоқаларни ҳисобга олсак, бундай ўзлашманинг

эхтимоли бор (Грицина А.А., Мамаджанова С.Д., Мукимов Р.С., 2013:13-14). Уструшана тангаларида ҳам буддизмнинг таъсири кузатилади. Уструшана тангаларида ҳукмдорлар (афшинлар) нинг исмлари ва иконографиясининг айрим хусусиятлари Ҳиндистондан ўзлаштирилгани кўриниб туради. Уструшанадаги тангаларда афшин Сатачари (санскритдан «Садачарья» «устоз, мураббий», деб таржима қилинади) исми учрайди. Сатачари исми санскритда ёзилган асарнинг суғдча таржимасининг колофонида ҳам уни буюртма қилган шахснинг қариндошлари орасида учрайди. Сатачари тангаларидаги филнинг тасвири ҳақида шуни айтиш мумкинки, бу ҳинд шиваизм эътиқодидаги савдо-сотикнинг ҳомийси – Ганешанинг рамзидир (Смирнова О.И., 1981:32-33). Сатачари рамзини тангада акс эттирилишининг сабаби шуки, ўша даврда савдо-сотик гуллаб-яшнаган Уструшана Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган. Бу ҳақда Зомин яқинида VII-VIII асрнинг бошларида фаолият юритган Азлартепа карвонсаройининг топилиши далолат беради. Буддизмнинг тарқалиши билан Марказий Осиё, хусусан, Суғд ва Уструшана ҳамда Ҳиндистон ўртасидани маданий алоқалар ва айирбошлаш кучаяди. Бу алоқаларда Суғд ва Уструшана аҳолиси катта роль ўйнайдилар. Буддизмнинг маркази бўлган Хитой ва Ҳиндистон билан бевосита савдо алоқалари Марказий Осиё учун улкан аҳамият касб этди.

Уструшана қадимдан металлургия ватани ҳисобланади. Муҳаммад ибн Нажиб Бакрон «Уструшана тоғларида кўплаб олтин, кумуш, темир, мис, кўрғошин, симоб, нефт ва зуфт каби конларнинг мавжудлиги ва бу тоғлар Буттем деб аталиб, Хуросонда машҳур бўлган Хўжанд ферузаси ҳам шу тоғда қазиб олинади», деб таъкидлайди. Темир маҳсулотлари Уструшанининг Миқ манзилгоҳидан қазиб олинган. Миқ ўрта асрлар Уструшанасининг тоғ-кон саноати ва қора металлургия ишлаб чиқариш тарихига тўғридан-тўғри дахлдор ҳозирги ягона – эталон моддий маданият ёдгорлигидир.

Миқ Уструшанада давлат аҳамиятига молик, эҳтимол афшинлар сулоласининг хусусий мулки мақомидаги ишлаб чиқариш маркази бўлган. Л.Сверчков тадқиқотлар олиб борган Миқ маконини Минқ ёки Маросиманда сифатида талқин қилинадиган бўлса, унда унинг яқинидаги мавсумий ярмаркани ҳам давлат миқёсида ташкил этилган, деб эътироф этиш лозим. Бу ҳақда «Худуд

ал-олам»да қуйидагича таъриф берилди: «Дизак – шаҳарча, унда оқар сув бор. Унинг яқинида Маросиманда, деган жой бор, унда йилда бир кун катта бозор (ярмарка) бўлади ва ўша кун унда юз минг динар (миқдорида мол) савдо қилинади, дейдилар». Маросиманда юз гектардан иборат бўлиб, ҳар йили у ерда бир маротаба катта савдо ярмаркаси ўтказилиб турилган. Атрофи тоғлар билан ўралган. Маросиманданинг яқинида Минқ деган жой бўлиб, у ердан ҳозирга қадар темир қазиб олинади (Абдуқаҳҳор Саад, 2007:165-166).

Ибн Ҳавқалнинг «Сурат ал-арз» («Ер тасвири») асарида келтирилган (Abu'l-Qosim Muhammad bin Hovqal, 1939:503-505) Маросиманда тавсифи, унда йилида бир марта ташкил этиладиган ярмарка, Минқ қишлоғидаги тоғ-кон ҳунармандчилиги, темир рудасини қазиб олиш ва шу жойнинг ўзида ундан ясалган асбоб-ускуналар ва қурул-аслаҳа Хуросон ва Ирокда машҳур бўлгани (Бетгер Е.К.. 1957:20-23) ҳақидаги хабарлар Уструшанининг анчагина ривожланган халқаро алоқаларга эга минтақа бўлганини кўрсатади.

В.В. Бартольднинг айтишича, Минқ ва Маросимандадан қазиб олинган темир ярим фабрикат шаклида Фарғонага олиб кетилган ва у ерда хом-ашёдан юқори сифатли буюмлар тайёрланган ҳамда Бағдодгача жўнатилган (Бартольд В.В., 1963:225-226). Бу ҳақда Макдисий шундай дейди: «Уструшана темири Фарғона (Ахсикент) усталари қўлига тушгач, у инсон ақли етмайдиган нарсаларга (қурулларга) айланган» (Ал-Макдиси, нашр йили номаълум: 290-291). Ахсикентда тайёрланган қуруллар «Дамашқ қиличлари» номи билан бутун дунёга машҳур эди. Ушбу қуруллар икки хил бўлиб, бири хинд пўлатига ўхшаб каттиқ пўлатдан, иккинчиси юмшоқ пўлатдан тайёрланган (Анорбоев А., 2016:39).

Уструшана ҳунармандчилиги кўп тармоқли соҳа бўлиб, ўзида темирчилик, меъморчилик, кулоллик, тўқимачилик ва бошқа кўплаб соҳаларни мужассам этган. Ҳунармандчиликнинг темир, жез ва қимматбаҳо металлларга ишлов бериш марказлари, асосан, Бунжикент ва унинг атрофи (Чилдухтарон), Минқ қишлоқларида аниқланганига қарамай, бу соҳалар Уструшанининг бошқа ҳудудларида ҳам кенг тарқалган. Уструшана ҳунармандлари томонидан ясалган деҳқончилик, ҳунармандчилик ва ҳарбий қуруллар, жез ва мисдан ясалган идиш-товоқлар,

уй-рўзгор буюмлари, турли тақинчоқлар кенг муомалада бўлган. Ёзма манбаларларда қайд этилишича, Уструшананинг Минқ қишлоғида катта миқдорда темир рудаси, Буттамда олтин, кумуш, мис ва бошқа металллар қазиб олинган. Минқдан қазиб олинган темир хомашё сифатида Фарғона, хусусан, Ахсикент темирчилик устахоналарига «экспорт» қилинган.

МУҲОКАМА

Таъкидлаш жоизки, Миқ манзилгоҳи очилгунга қадар Уструшана ҳудудида бу каби металл ишлаб чиқариш маркази умуман қайд этилмаган эди. Шу сабабли, Л.Сверчков Миқни Минқ рустоқининг маркази, Афшин номи билан аталган қалъа деб, эътироф этади (Сверчков Л.М., 1994:57). Ушбу фикрларни асослаш учун тоғ ҳудудидаги ал-Афшин номи билан аталган ҳарбий қалъани эслатади. Мазкур ҳарбий қалъа Миқда амалга оширилаётган давлат миқёсидаги ишлаб чиқаришни муҳофазаси учун хизмат қилган (Абу Саъд Самани., нашр йили кўрсатилмаган:415).

Миқ манзилгоҳи учта объектдан иборат бўлиб, улар шартли равишда Миқ I (юқори қалъа), Миқ II (пастки қалъа) ва Миқ III (ишлаб чиқариш ва уй-жой қисми), деб номланади (Сверчков Л.М., 1994:49-61). Миқ I қалъаси қурилиш даври VII-VIII-асрларда унинг шимол томонида, пастда Миқ III ишлаб чиқариш ва яшаш турар-жойлар комплекси фаолиятда бўлган. Миқ I нинг кучли мудофаа қудрати ҳисобланган ҳарбий буржларнинг мавжудлиги, ибодат қилиш учун махсус хона, мангу олов ёнган оташгоҳ, зал ва коридорлар деворидаги рангтасвир суратлар қолдиқлари каби моддий маданият намуналари бу ерда қандайдир давлат амалдори яшаганлигидан, у ва унинг чокарлари металл ишлаб чиқаришни ҳам назорат, ҳам мудофаа қилганлигидан дарак беради. Миқ I қалъаси VII аср бошларида араб истилоси кучга кирган паллада вайрон қилиниб, ёқиб юборилган (Сверчков Л.М., 1994:52-53).

Миқ II қалъаси Миқ I дан 50 м масофа пастдаги сайхонликнинг ғарбий қисмида жойлашган. Тадқиқотчи Л.Сверчковнинг таъкидлашича, Миқ II ўзининг учта ҳарбий буржи билан Уструшана қалъа қурилишининг барча хусусиятларини ўзида мужассам этган меъморий иншоотидир. Унинг қурилиши VIII асрнинг охирида амалга оширилган ва дастлабки ҳаёт VIII-IX асрлар

билан даврланган. Миқ металлсозлари, темирчилик ҳунармандчилиги билан боғлиқ ҳаёт ва ишлаб чиқариш фаолияти X-XI асрларга дахлдордир. Ушбу даврий сана кўплаб археологик артефактлар, жумладан, сомонийлар сулоласига мансуб Исмоил ибн Аҳмаднинг 292/905-йилда Шошда ва қорахонийлар вакили Муин ад-Давланинг 419/1028-йилда Уструшанада зарб қилинган мис тангалари аниқланган (Сверчков Л.М., 1994:54-55).

Миқ I қалъаси бажарган функцияни VIII асрнинг иккинчи ярмидан XI аср бошларига қадар Миқ II қалъаси давом эттирган. Мазкур қалъа ҳам жуда ҳашаматли бўлиб, унинг зали супаларидан гилам қолдиқлари, 80га яқин темир буюмлар, жумладан, курол-аслаҳалар, ягона стандарт қолипда қуйилган темир хомашёси ёмбилари, 74 граммли кумуш билакузук 1300га яқин кумуш суви юритилган «қора» дирҳамлар хазинаси, мураккаб таркибли, уриб чалинадиган мусиқа асбобининг темир дисклари, суякдан ясалган най ва унинг ғилофи каби топилмалар бу ердаги ривожланган маданий ҳаётдан дарак беради (Сверчков Л.М., 1994:54-55).

Миқ II нинг шимол томонида, қоя «остона»си ҳудудида Миқ III харобалари жойлашган. Миқ III нинг стратиграфияси яхши ўрганилган бўлиб, дастлабки ҳаёт бошланиши VI-VII асрлар билан, ўрта маданий қатламлар IX-X асрлар билан, сўнги қурилиш босқичи XI аср билан даврланган (Сверчков Л.М., 1994:56). Миқ III марказида 10х10м ҳажмда ўтказилган планиграфик қазувлар натижасида, бир неча хонадан ташкил топган ишлаб чиқариш комплекси, хоналарнинг бирдан ягона тизим остида қурилган ва ишлаган 3та темирчилик кўраси қайд этилган. Кўра сунъий ҳаво юбориш тизими билан таъминланган. Ушбу топилмалар Миқ манзилгоҳини ҳақиқий функцияси темир ишлаб чиқариш ва ундан асбоб-ускуналар ясашга ихтисослашганлигини аниқлаш учун катта асос бўлиб хизмат қилган. Дарвоқе, юқорида тавсифи баён этилган қалъалардан бири Миқ II дан металлсозларнинг махсус меҳнат куроллари (темир оташ курак, қисқич, босқон...), ярим фабрикат темир хом-ашёси, Миқ III дан қора металл шлаклари, темирчилик кўралари, оловбардошли лойсувоқ (гилбўта) бўлаклари ва кўплаб ушбу соҳага тегишли ашёлар топилган. Ушбу топилмалар Миқ қишлоқ макони атрофидан узоқ муддат (эҳтимол, бир неча юз йил) мобайнида темир рудаси қазиб олинганини,

асосан Миқ III да эритилган темирдан турли ашёлар, хусусан, ҳарбий қурол-аслаҳалар тайёрланганини кўрсатади.

Милодий VII–VIII асрларга келиб Фарғона ва Уструшана ҳукмдорлари ҳам ўз тангаларини зарб қилишга киришганлар. Бунга қадар минтақа аҳолиси олди-сотди, савдо-сотик ишларини тери, дон-дун, чорва моллари, қимматбаҳо буюмларни ўзаро алмаштириш орқали бажарган бўлиб, бундай усул муайян қийинчиликлар туғдирар эди. Бинобарин, ўзаро савдо ва товар айирбошлаш муносабатларида мис ва олтиннинг воситачи ролни ўйнай бошлаши инсоният тарихидаги энг катта ютуқлардан бири бўлгани эътироф этилади (Бобоёров Ғ., Ғойибов Б., Кубатин., 2020:108-109).

Илк ўрта асрлар, айниқса, исломдан олдинги даврлар Марказий Осиё тангаларининг аксарияти суғдий ёзувда бостирилган бўлиб, уларнинг кўпчилигида туркий ва суғдий атамалар ўрин олган. Уструшанада ҳам танглар дастлаб суғдий тилда зарб қилинган. Дастлабки Уструшана тангаларида «Уструшана ҳукмдори Сатачари» сўзлари битилган. Аверсда тожли ҳукмдор боши тасвири, реверсда тамға ва унинг теграсида ёзув «Уструшана ҳукмдори... Сатачари» деб ўқилган (Бобоёров Ғ., 2010:18-40).

VII милодий аср ўрталарига келиб тангаларда Уструшананинг Раханч, Сатачари, Чирдмиш каби афшинлари исмлари ўрин олган. Уструшана ҳукмдорлари зарб эттирган кумуш ва мис тангалар мулкнинг иқтисодий ривожланиши, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва ҳунарманчилиги юқори даражада бўлганидан далолат беради. Ташқи бозорда уструшаналик ҳунармандлар ясаган металл буюмлар, қурол-аслаҳалар машҳур бўлган.

Кейинчалик Уструшана тангаларида «элтабар» унвони учрай бошлаши ўз-ўзидан бўлмаган. Уларда «Уструшана ҳукмдори Элтабар» сўзлари ўрин олган (Yoshida-y., 2018:168). Шунингдек, Уструшанада христиан дини тимсоллари туширилган буюмлар ва тангалар топилгани (Иваницкий И.Д., 1994:64-70) бу дин мазкур мамлакатга ҳам кириб келганлигини кўрсатади.

Ички бозор учун яна бошқа тангалар ҳам зарб этилди. Уструшананинг Мингтепа ёдгорлиги (Булунғур – Ғаллаорол туманлари оралиғи) ва унга яқин ҳудудлардан топилаётган суғдий-туркий тангаларнинг аверсида қўшалок тасвир – ҳукмдор ва малика тасвирлари ўрин олган бўлиб, реверсида суғдий ёзувда «Нана-

хотун» сўзлари учрайди. Суғдшунос олима О.И.Смирнова MR'Y ... x'ttwn «Подшо ... хотун» деб ўқилган (Смирнова О.И., 1970:275-281) ушбу турдаги тангалар тангашунос Ғ.Бобоёров ва А.Кубатинлар томонидан MR'Y pncy nn-x'ttwnh «Панч ҳукмдори (ва) Нана-хотун» шаклида ўқилди (Бабаяров Ғ., Кубатин А., 2013:79-87). Тангаларнинг муомалага киритилиши иқтисоднинг ўсиши ва халқаро савдонинг ривожига ёрдам берган. Уструшананинг пойтахти Бунжикат ва йирик қалъа Зоминда турли даврларда пул зарб қилинган ва қурилган махсус зарбхоналар бўлгани ҳудуднинг сиёсий-иқтисодий салоҳиятини кўрсатади.

НАТИЖА

Халқаро савдо қарвон йўллари устида жойлашган Уструшананинг қулай табиий ўрни, бу ердаги ички ва ташқи савдонинг ривожланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Савдо пул ва товар айрибошлаш ёрдамида амалга оширилган. Ички савдо кўп ҳолларда асосан ўтроқ деҳқон ва қўчманчи чорвадор аҳоли ўртасидаги алоқаларга асосланган. Уструшаналиклар турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: ҳўл ва қуруқ мевалар, дон ва чорвачилик маҳсулотларини қўшни ҳудудларга ва айни вақтда бошқа ўлкаларга ҳам чиқарганлар. Уструшананинг баъзи шаҳар ва рустоқлари савдо-сотик учун маълум соҳаларга ихтисослашганликларини кўриш мумкин. Масалан, Жиззахда жун матолар, Мингда қурол аслаҳалар, Бунжикент атрофида заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган махсус марказлар бўлган.

Уструшана ҳунармандчилигида тоғ-кон саноати, унга асосланган қора металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Мовароуннахрнинг асосий маркази сифатида эътироф этилган. Ўз навбатида, Уструшана жаҳон бозорига нафақат темир ва ундан ясалган буюм ва қуроллар етказиб берар, балки яхши тайёргарлик кўрган, мохир ёлланма жангчиларни ҳам «экспорт» қилган.

Мунчоктепада топилган заргарлик қолиплари билан ясалган тақинчоқлар уструшаналик темирчи ва заргарларнинг антик даврларда маъданга ишлов бериш соҳасида муайян билим ва қўникмаларга эга бўлганидан далолат беради.

Сопол идишлардаги мато парчалари қолдиқлари ва излари, ёдгорликлардан топилган кўплаб ип йигирув ва тўқув қуроллари, хусусан, сопол, тош ва суякдан ясалган урчқубошлар, посангилар уструшаналиклар тўқув дастгоҳларидан кенг фойдаланиб, турли даражадаги жун, ипак ва, эҳтимол, пахта матолар ишлаб чиқарган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, исломнинг кириб келиши арафаси ва илк ислом даврида Уструшана ички бозорида савдо-сотиқ, иқтисодий муносабатлар анчагина ривожланган. Янги миграциялар натижасида воҳа аҳолиси кўпайди. Буюк ипак йўлининг шимолий тармоғи Уструшана ва унга яқин ҳудудлардан ўтгани бевосита афшинлар томонидан бу тармоқнинг осойишталиги таъминланиши иқтисодий ва маданий ўсиш учун замин яратди. Мазкур омилларнинг синергияси Уструшананинг сиёсий-иқтисодий ва илмий-маданий яхлитлашувини жадаллаштирди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдураимов Д. (2022). Ўрта асрларда Уструшона моддий ва маънавий маданиятига Хитой маданиятининг таъсири. *Science and innovation international scientific journal volume I issue 6*.
2. Александрова Н.В. (2008). Путь и текст: китайские паломники в Индии. Москва: Вост. лит.,
3. Анорбоев А. (2016). Қадимги Фарғона давлати ва унинг пойтахти тарихидан лавҳалар. «Водийнома» ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал.
4. Бабаяров Г., Кубатин А. (2013). К вопросу о монетах Согда с титулом «хатун» // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане / Под. ред. Ш. Камолиддин. Berlin: LAP Lambert Academic Publishing.
5. Бартольд В.В. (1963). Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. Т. I. Москва.
6. Бердимуратов А.Э. (1986). Винодельная мастерская в Северо-Западной Уструшане // Советская археология.
7. Бетгер Е.К. (1957). Извлечения из книги «Пути и страны» Абул Касым ибн Хаукаля. Ташкент.
8. Бобоёров Г., Гойилов Б., Кубатин. (2020). Ўрта Осиё битиклари – I. Суғдий ёзма ёдгорликлар. Тошкент: «TAFAKKUR».
9. Буряков Ю.Ф. (1972). О втором караванном пути из Согда в Шаш // ОНУ Ташкент, №3.
10. Swertschkow L.M. (1991). Die Siedlung Myk – eine Quelle zur Erforschung der Geschichte des mittelalterlichen Ustruschana, Diss. Samarkand.
11. Гафуров. Б.Г. (1989). Таджики. Кн. I. Душанбе.
12. Henning W.B. (1948). The date of the Sogdian Ancient Letters // BSOAS. Vol. XII.
13. Гойилов Б. (2015). Суғд конфедерацияси: шаклланиши, тараққиёти ва таназзули. Тошкент: ABU MATBUOT KONSALT.
14. Гойилов Б. (2020). Суғд тарихидан лавҳалар. Самарқанд, СамДУ.
15. Грицина А.А., Мамаджанова С.Д., Мукимов Р.С. (2013). Археология, история и архитектура средневековой Уструшаны. Самарканд: МИЦАИ.
16. Джуманиязова Ф., (2020). Қадимда ва ўрта асрларда ўзбек-япон алоқалари: тарихийлик ва замонавийлик. «XXI аср: фан ва таълим масалалари» илмий электрон журналы. №2.
17. Его же. Из истории Великого шелкового пути // Мозийдан садо. № 3.
18. Жуковский В.А. (1894). Развалины старого Мерва // МАР. Вып. 16. СПб.
19. Заднепровский Ю.А. (1997). Трансзиатский степной путь – ветвь Шелкового пути по археологическим данным // Древние номады Центральной Азии. СПб.
20. Иваницкий И.Д. (1994). Христианская символика в Согде // Из истории древних культов Средней Азии. Христианство. Ташкент.
21. Кляшторный С.Г. (1972). Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии / Тюркологический сборник. Москва: Наука.
22. Кобзева О., Ваисова Н. (2023). Культурное наследие согдийцев в Японии. «Материальная и духовная культура народов Центральной Азии: современные исследования, проблемы и методы обучения».
23. Кобзева О.П. (2001). Великий Шелковый путь: проблемы научной периодизации и истоки изучения европейскими учеными во второй половине XIX – начале XX вв. Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. Ташкент.
24. Когучи Ясуо. (2007). Согдийская культура и согдийцы в Японии // The Role of Samarkand in the History of World civilization. – Т., «Фан».
25. Коидзуми Такэо. (2008). Сакэ и японская культура // Ниппония. – Токио.
26. Мавлонов Ў. (2008). Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. Тошкент: Akademiya, 2008.
27. Малявкин А.Г., (1989). Танские хроники о государствах Центральной Азии: тексты и исследование. Новосибирск.
28. Мухаммад Амин. (1381). Фарҳанги форсий муин. Техрон. Нидо.
29. Негматов Н. (1953). Историко-географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в. н.э. // МИА. – Москва. № 37.

30. Отахўжаев А. (2010). Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Монография. Тошкент: ART-FLEX.
31. Пардаев М., Гофуров Ж. (2021). Марказий Осиё – Буюк ипак йўли тизимида (қадим ва ўрта асрлар). Тошкент: LESSON PRESS.
32. Пардаев М.Х. (1997). Северо-Западная Уструшана в эпоху раннего средневековья: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент.
33. Ртвеладзе Э.В. (1999). Великий шелковый путь // Энциклопедический справочник. Ташкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.
34. Саад А. (2007). Ўрта Осиё олимлари қомуси. Тошкент.
35. Сверчков Л.М. (1991). Поселение Мык – источник по истории средневековой истории Уструшаны. АКД. Самарканд.
36. Сверчков Л.М. (1994). Замок Мык и его округа // Древний Заамин. Ташкент.
37. Смирнова О.И. (1970). Очерки из истории Согда. Москва: Наука, 1970.
38. Смирнова. (1981). Сводный каталог согдийских монет. Бронза. Москва: Наука.
39. Yoshida-y. (2018). Turkish rule of Sogdians as reflected on coins: Some new readings of the legends of coins belonging to the Shinji Hirano Collection // Memoirs of the Faculty of Letters Kyoto University.
40. Тадо А. (1972). Канжикиген. Токио. Шоу гаку кан.
41. Чугуевский Л.И. (1971). Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дуньхуана // СНВ. Вып. X. Москва: Наука.
42. Чян Бочюан, Ван Бингуа. (1986). Тунгсу Шинжянги. Урумчи.
7. Betger Ye.K. (1957). Izvlecheniya iz knigi «Puti i strany» Abul Kasym ibn Khaukaly. Tashkent.
8. Boboyorov G'., G'oyibov B., Kubatin. (2020). O'rta Osiyo bitiklari-I. Sug'diy yozma yodgorliklar. Tashkent: «TAFAKKUR».
9. Buryakov Yu.F. (1972). O vtorem karavannom puti iz Sogda v Shash // ONU Tashkent, №3.
10. Swertschkow L.M. (1991). Die Siedlung Myk – eine Quelle zur Erforschung der Geschichte des mittelalterlichen Ustruschana, Diss. Samarkand.
11. Gafurov B.G. (1989). Tadzhihi. Kn.1. Dushanbe.
12. Henning W.B. (1948). The Date of the Sogdian Ancient Letters // BSOAS. Vol. XII.
13. G'oyibov B. (2015). Sug'd konfederatsiyasi: shakllanishi, taraqqiyoti va tanazzuli. Tashkent: ABU MATBUOT KONSALT.
14. G'oyibov B. (2020). Sug'd tarixidan lavhalar. Samarkand: SamDU.
15. Grisina A.A., Mamadjanova S.D., Mukimov R.S. (2013). Arheologiya, istoriya i arkhitektura srednevekovoy Ustrushany. Samarkand: MISAI.
16. Djumaniyazova F. (2020). Qadimda va o'rta asrlarda o'zbek-yapon aloqalari: tarixiylik va zamonaviylik. «XXI asr: fan va ta'lim masalalari» scientific electronical journal, №2.
17. Yego je. Iz istorii Velikogo shelkovogo puti // Moziydan sado., №3.
18. Jukovskiy V.A. (1894). Razvaliny starogo Merva // MAR. Vyp. 16. SPb.
19. Zadneprovskiy Yu.A. (1997). Transaziatskiy stepnoy put – vetv Shelkovogo puti po arheologicheskim dannym // Drevniye nomady Tsentralnoy Azii. SPb.
20. Ivanovskiy I.D. (1994). Khristianskaya simvolika v Sogde // Iz istorii drevnikh kultov Sredney Azii. Khristianstvo. Tashkent.
21. Klyashtorny S.G. (1972). Drevnetyurkskaya pis'mennost i kultura Tsentralnoy Azii // Tyurkologicheskiy sbornik. Moskva: Nauka.
22. Kobzeva O., Vaisova N. (2023). Kulturnoye naslediye sogdiytsev v Yaponii // Materialnaya i dukhovnaya kultura narodov Tsentralnoy Azii: sovremennyye issledovaniya, problemy i metody obucheniya.
23. Kobzeva O.P. (2001). Velikiy Shelkovyy put': problemy nauchnoy periodizatsii i istoki izucheniya evropeyskimi uchenymi vo vtoroy polovine XIX – nachale XX vv. Avtoref. diss. ... kand. istor. nauk. Tashkent.
24. Koguchi Yasuo. (2007). Sogdiyskaya kultura i sogdiytsy v Yaponii // The Role of Samarkand in the History of World Civilization. Tashkent: «Fan».
25. Koidzumi Takeo. (2008). Sake i yaponskaya kultura // Nipponiya. Tokio.
26. Mavlonov O'. (2008). Markaziy Osiyoning qadimgi yo'llari. Tashkent: Akademiya.

REFERENCES

1. Abduraimov D. (2022). O'rta asrlarda Ustrushona moddiy va ma'naviy madaniyatiga Xitoy madaniyatining ta'siri. Science and Innovation International Scientific Journal, Volume I, Issue 6.
2. Aleksandrova N.V. (2008). Put i tekst: kitayskiye palomniki v Indii. Moskva: Vost. lit.
3. Anorboyev A. (2016). Qadimgi Farg'ona davlati va uning poytahti tarixidan lavhalar. «Vodiynoma» ijtimoiy-tarixiy, ilmiy va ommabop jurnal.
4. Babayarov G., Kubatin A. (2013). K voprosu o monetakh Sogda s titulum «khatun» // Sogdiyskiy sbornik. Noveyshiye issledovaniya po istorii i istorii kultury Sogda v Uzbekistane / Pod. red. Sh. Kamoliddin. Berlin: LAP Lambert Academic Publishing.
5. Bartold V.V. (1963). Turkestan v epokhu mongolskogo nashestviya // Soch. T.I. Moscow.
6. Berdimuradov A.E. (1986). Vinodelnaya masterskaya v Severo-Zapadnoy Ustrushane // Sovetskaya arheologiya.

27. Malyavkin A.G. (1989). Tanskiye khroniki o gosudarstvakh Tsentralnoy Azii: teksty i issledovaniye. Novosibirsk.
28. Muhammad Amin. (1381). Farhangi forsiy muin. Tehron: Nido.
29. Negmatov N. (1953). Istoriko-geograficheskiy ocherk Ustrushany s drevneyshikh vremen po X v. n.e. // MIA. Moscow, №37.
30. Otaxo'jayev A. (2010). Ilk o'rta asrlar Markaziy Osiyo sivilizatsiyasida turk-sug'd munosabatlari. Monography. Tashkent: ART-FLEX.
31. Pardayev M., G'ofurov J. (2021). Markaziy Osiyo – Buyuk ipak yo'li tizimida (qadim va o'rta asrlar). Toshkent: LESSON PRESS.
32. Pardayev M.X. (1997). Severo-Zapadnaya Ustrushana v epokhu rannego srednevekovya. Avtoref. diss. ... kand. ist. nauk. Tashkent.
33. Rtveladze E.V. (1999). Velikiy shelkovyy put // Ensiklopedicheskiy spravochnik. Tashkent: O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi.
34. Saad A. (2007). O'rta Osiyo olimlari qomusi. Toshkent.
35. Sverchkov L.M. (1991). Poseleniye Myk – istochnik po istorii srednevekovoy istorii Ustrushany. AKD. Samarkand.
36. Sverchkov L.M. (1994). Zamok Myk i yego okruga // Drevniy Zaamin. Tashkent.
37. Smirnova O.I. (1970). Ocherki iz istorii Sogda. Moskva: Nauka.
38. Smirnova. (1981). Svodnyy katalog sogdiyskikh monet. Bronza. Moscow: Nauka.
39. Yoshida Y. (2018). Turkish Rule of Sogdians as Reflected on Coins: Some New Readings of the Legends of Coins Belonging to the Shinji Hirano Collection // Memoirs of the Faculty of Letters Kyoto University.
40. Tado A. (1972). Kanjikigen. Tokio: Shou Gaku Kan.
41. Chuguyevskiy L.I. (1971). Novyye materialy k istorii sogdiyskoy kolonii v rayone Dunxuana // SNV. Vyp. X. Moskva: Nauka.. X. Moscow: Nauka.
42. Chyan Bochuan, Van Binghua. (1986). Tungsu Shinjiang-shi. Urumchi.

